Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 14 июль
ПАЙШАНБА
№ 160 (4.356).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

## СОЯДА 45 ДАРАЖА. ДАЛАДА ҚАНЧА?

## САРАТОН ЖАЗИРАМАСИ ВА ДЕҲҚОН ЖАСОРАТИ

Министрдан бошлаб министрлик ходимигача, партия, совет, хўжалик раҳбари, адабиёт, маданият, санъат арбоби, тарғиботчию ташвиқотчи, ҳар бир зиёли — ҳаммаю ҳамма қишлоқ меҳнаткаши ҳузурига бориб, унга хизмат кўрсатсин, оғирини енгил, мушкулини осон, узоғини яқин қилсин!

### ИССИҚ ҲАДДИДАН ОШМОҚДА

**Ёз ҳар қачонгидан иссиқ келаяпти. Бунинг боиси нимада! Ўзбекистон ССР Гидрометеорология маркази узоқ муддатли об-ҳаво маълумотлари бўлимининг бошлиғи В. Г. Хисамиева буни шундай изоҳлайди:**

**— Ҳақиқатан ҳам шу кунларда республикада юқори ҳарорат ҳукм сурмоқда. Айниқса июнь ойининг иккинчи ўн кунлигида ҳаво ниҳоятда иссиқ келгани кузатилди. Бошқача айтганда 14—20 июнь кунлари кўп жойларда ўртача ҳарорат нормадагидан 5—10 даража юқори бўлди. Масалан, симоб устуни 16—18 июнда республиканинг ғарби ва жанубида 43—47 даражани, 18—19 июнда марказий областларда ҳамда Фарғона водийсида 42—43 даражани кўрсатди. Тошкентда эса 19 июнь куни 42 даражага тенглашди. Бундан 74 йил муқаддам, 1914 йилнинг 23 июнида бу ерда 42,4 даража иссиқ бўлгани кузатилган эди.**

**Ҳаво ҳароратининг кўтарилишига олиб келадиган синоптик жараён термик турғунлик деб аталади. Бу айниқса ёз ойларида содир бўлади. Шу даврда кучли ҳаво оқими Ўрта Осиёга кириб келиб, унинг дашту биёбонларда обдон қизиш натижасида иссиқлик манбаи юзага келди. Бунда Тянь-шань, Помир-Олой тоғлари муайян роль ўйнайди.**

**Қатор кузатувларда шу кунларнинг ҳарорати биринчи марта энг юқори нуқтага кўтарилдики, июнь ойида иссиқлик одатдагидан юксак бўлгани боиси шунда.**

**— Венера Галиевна, сиз 1988 йил июнь ойи ҳароратини 1914 йилнинг июнидаги ҳарорат билан қиёсладингиз. Кузатувлар узоқ йиллардан буён олиб бориладими!**

**—Тошкент метеорология станцияси ташкил этилганига 120 йил тўлди. Бу ерда дастлабки кузатув 1899 йилда ўтказилган эди.**

**— Июнь ортда қолди. Ёзнинг иккинчи ойида, яъни июлда об-ҳаво қандай бўлади!**

**— Ҳароратнинг «энг юқори нуқтаси» кутилмайди. Маълумот учун шуни айтиш keракки, 1983 йил 30 июлда симоб устуни 44,5 даражага кўтарилганди. Бу йилги июлнинг ҳавоси эса норма атрофида бўлади. Фақат республиканинг жанубида 40—42 даража иссиқ бўлиши кутилади. Тошкентда ҳарорат 34—39 даражани ташкил этади.**



**Ленин районидаги «Социализм» колхози пахтакорлари шу жазирама кунларда ҳар туп ниҳолни авайлаб-асраб, меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Хўжаликда жами 1.611 гектар майдонда ғўза ўстирилаяпти. Ҳозир экинга бешинчи ишлов берилаяпти, учинчи озиқлантириш тугалланмоқда. Дала ишлари социалистик мусобақа асосида йўлга қўйилган.**

**Ўзаро беллашувда коммунист Н. Орипов бошлиқ бригада пешқадам.**

СУРАТДА: бригадир Н. Орипов ва моҳир механизатор Р. Қозоқов культивация қилинаётган пайкалда.

Р. АШУРОВ фотоси,

(ЎзТАГ).

## ҚАЙТА ҚУРИШ БИЗНИ ЯҚИНЛАШТИРМОҚДА

### *М. С. Горбачевнинг Краков диёридаги учрашувлари*

КРАКОВ, 12 июль. (**ТАСС махсус мухбирлари**). Расмий дўстлик визити билан Польша Халқ Республикасида меҳмон бўлиб турган М. С. Горбачевни бугун қадимги Краков шоду-хуррамлик билан кутиб олди.

Мамлакат жанубидаги бу катта саноат ва илм-фан марказини Польшанинг иккинчи пойтахти, Польша давлати ва маданиятининг бешиги, деб атайдилар. Краков бой ва шонли тарихга эга. Шаҳарнинг марказий қисмидаги ҳар бир бино ўтган асрлар меъморчилигининг бетакрор дурдонаси бўлиб, Польша ва жаҳон маданияти, фани, сиёсати буюк арбобларини эслатиб туради. Краков тарихининг шонли саҳифаларидан бири В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ. Владимир Ильич 1912—1914 йилларда бу шаҳарда, шунингдек шаҳарга яқин жойлашган Белий Дунаец ва Поронино аҳоли пунктларида яшаган ва ишлаган эди. Ҳозир бу ерларда Ленин музейлари ташкил этилган. Бу музейларни ҳар куни халқ Польшасининг ҳар томонидан кўплаб ва чет мамлакатлардан келган юз минглаб кишилар зиёрат қиладилар.

... Маҳаллий вақт билан соат 10 дан 35 минут ўтди. Варшавадан Краковнинг Балице аэродромига келган М. С. Горбачев ва унинг рафиқасини ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР давлат кенгашининг раиси В. Ярузельский рафиқаси билан, ПБИП воевода комитетининг биринчи секретари Ю. Гаевич, Краков халқ кенгашининг раиси А. Козуб, Краков президенти Т. Салпва, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар.

М. С. Горбачевнинг мамлакат бўйлаб сафарида унга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, СССРнинг ПХРдаги элчиси В. И. Бровиков ҳамроҳлик қилмоқдалар. Польша томонидан — ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Ю. Чирек, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат М. Горивода, ПБИП Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Б. Колодзейчак, ПБИП Марказий Комитети халқаро бўлимининг мудири Э. Куча, ПХР ташқи ишлар министри Т. Олеховский, ПХРнинг СССРдаги элчиси В. Наторф ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Шундай қилиб Краков заминида Ленин саҳифаларидан бири Белий Дунаец билан боғлиқ. Деҳқон аёл Тереса Скупеннинг икки хона ва айвондан иборат оддийгина ёғоч уйида 1913—1914 йилларда В. И. Ленин билан Н. К. Крупская яшаган ва ишлаган эдилар. Бу ерга Владимир Ильич ҳузурига унинг революцион курашдаги сафдошлари тез-тез келиб турар эдилар, Лениннинг ўнлаб асарлари шу ерда ёзилган. Уй-музей эшиги олдида ёрқин меҳмондўстлик маросими бўлади: гул тикилган дастурхонда М. С. Горбачевни нон-туз билан, Гураль музикачилари капелласи музика садолари билан кутиб оладилар.

М. С. Горбачев Уй-музей экспозицияси билан танишди. Бу ерда ўша унутилмас даврдаги вазият ғамхўрлик билан қайта тикланган. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари фахрий меҳмонлар китобига эсдалик сўзлари ёзиб қолдирди.

Татр тоғининг ям-яшил ёнбағрилари бўйлаб бир неча минут юрилгач автомашиналар кортежи Поронинога етиб келади. 1913 йилнинг октябрида Поронин кенгашининг қатнашчилари — Россия социал демократлари В. И. Ленин билан биргаликда шу ерда тўхтаган эдилар. Ана шу воқеа хотирасига барпо этилган музей паркида Ленин ҳайкали ўрнатилган. Бу ҳайкал Ленинград ишчиларининг поляк халқига совғасидир. М. С. Горбачев ҳайкал пойига гулчамбар қўйди.

Кремлда бўлмай туриб Москванинг қанақа эканлигини тушуниб бўлмайди, Прага гради миноралари ва саройларига кўтарилмай туриб, Прага тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш қийин. Краковнинг тарихий маркази — машҳур мовут расталари ва Мариацкий соборининг афсонавий миноралари билан биргаликда асосий бозор майдони ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Минорадан ҳар куни туш пайтида трубачи Хейнал сигнал бериб туради, москваликлар соатларини Спасск минораси курантларининг бонг уришига қараб тўғрилаганидек, Польшада ҳам шу трубачи сигналига қараб соатларини тўғрилашади.

Қадимий кварталлардаги кўчалар ва майдонларни тўлдирган Краков аҳолиси тушдан кейин Поронинодан эски шаҳарга келган М. С. Горбачевни самимий кутиб олади. Совет раҳбари тарихий майдонга борадиган йўлда табрик хитоблари, қўл бериб кўришишлар сон-саноқсиз гуллар билан қўшилиб кетади. Гулчи қизлар қадимги Краков меҳмонига ўз дўконларидаги чиннигул ва атиргулларни, гладиолус ва шойигулларни — ўнлаб энг яхши гулдасталарни совға қиладилар. Бу учрашувга ҳамма ҳам гул билан келмаган бўлса, ҳеч қиси йўқ, одамлар Польша жамоатчилиги «энг машҳур давлат раҳбари» деб тан олган кишига ҳурматларини табассум билан, табриклаб қўл кўтариш билан, яна болаларни олдинга ўтказиб юбориш билан изҳор қилмоқдалар.

Бош секретарь билан суҳбатларда краковликлар Совет Иттифоқидаги қайта қуришга муваффақият тиладилар, совет халқига ҳурматлари, меҳр-муҳаббати, иккала мамлакат гражданлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришнинг муҳимлиги тўғрисида гапирдилар.

М. С. Горбачев кечқурун Краковдаги Вавель қасрига борди ва В. Ярузельский билан биргаликда Польша ва Совет ёшлари дўстлиги митингида қатнашди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Краков билан танишиб бўлгач Варшавага қайтиб келди.

(ТАСС).

## ҚАЗНОҚДАГИ КЕТМОНЧА

Гулистонликлар энди ўз томорқасида ишлашгандагина кетмончани қўлга олишади. Очиғини айтадиган бўлсак, шаҳарлик учун бу ғалати ҳолдир. Илгарилари эса май ойидан бошлаб кетмонча унинг асосий иш қуроли бўлар эди. Область марказидаги минглаб ишчи ва хизматчилар шаҳар атрофидаги хўжаликларга ғўза ўтоғига чиқишар эди.

Бу қанчалик зиён етказишини аниқ ҳисоблаб чиқиш қийин. Цехлар ва муассасаларда иш чала қолар, ҳашарчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни далага олиб бориб, олиб келиш учун кўп маблағ сарфланарди. Бу ишга, ҳатто имтиҳон пайти бўлса ҳам, юқори синф ўқувчилари жалб этиларди.

Бу йилдан бошлаб ана шу «анъана»га чек қўйиладиган бўлди. Колхоз ва совхозлар пудратнинг турли формаларига, хўжалик ҳисобига ўтиши муносабати билан содир бўлаётган ўзгаришлар бунда ҳам ўз аксини топди.

Энди хўжалик раҳбарларига қўшимча ишчи кучи чақириш фойдали бўлмай қолди. Улар буни тушуниб етишганидан кейин, ўзимизда ишчи кучлари етарли, дейдиган бўлиб қолишди.

«Сирдарё» совхозини мисолга олайлик. Бу хўжаликда 3,5 минг гектар ерда ғўза етиштирилмоқда. Далалар бегона ўтлардан тозаланган. Яқиндагина навбатдаги чопиқ тугалланди. Бу иш ҳам шаҳарликларнинг ёрдамисиз адо этилди. Ўтган йили эса Сирдарё ва унинг ён-веридаги ишчи посёлкаларидан ҳар куни 500—600 одам далага келарди. 40—50 та автобус одамларни ташишда банд бўлгани учун анча-мунча пул сарфланар эди.

Пудрат коллективлари исрофгарчилик йўлини тўсишди. Ҳозир улар ҳар бир тийинни тежашмоқда, ахир, агар пул беҳуда сарфланса, уларнинг ҳамёнига зарар етади-да.

— Ц. Турдвайте, Е. Сулаймонов, Д. Шокмановлар бошлиқ бўлган бригадалар коллективлари хўжаликни ишнинг кўзини билиб юритмоқдалар, — деди совхоз бош агрономи Х. Файзиев.— Улар биринчи бўлиб, ҳашарчилардан воз кечишди. Бир тийин пул ҳам беҳуда сарфланмади, ғўзаларнинг ривожи эса яхши. Ҳар бир бригадада 10—12 киши меҳнат қилаётган бўлса ҳам ишнинг уддасидан чиқишаяпти. Ҳар бир киши зиммасидаги вазифани дуруст бажармоқда.

Ҳозир совхозда бош экономист С. Абдураззоқов бошчилигида ички хўжалик ҳисобининг чек системасига ўтишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш сари ташланган яна бир қадам бўлади.

Шаҳарликлар эса бундан буён ҳам ўрни келганида, яъни техника ремонтида ва қурилишда деҳқонларга ёрдам берадилар. Аммо уларнинг ёрдами ҳақиқатан ҳам зарур бўлганида ҳашарга чиқадилар.

**Г. ОГОРОДОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

## БИЛИМ ЮРТИДА БАЙРАМ

В.И. Ленин номидаги Қизил байроқ орденли, Қизил юлдуз орденли Тошкент умумқўшин командирлари олий билим юрти етмиш ёшга тўлди. Гражданлар уруши бораётган йилларда шахсан Владимир Ильичнинг фармойиши билан ташкил этилган билим юрти Совет Иттифоқи Қуролли кучларининг офицерлар корпуси учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди ва қўшиб келмоқда. Билим юрти ўз битирувчилари билан ҳақли равишда фахрланади. Гражданлар ва Улуғ Ватан урушлари фронтларида шуҳрат қозонган Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг, генерал ва офицерларнинг бутун бир гуруҳи шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда армияда хизмат қилаётганлар ҳам, курсантлар сафида ана шу машаққатли касб — Ватанни ҳимоя қилишни ўрганаётганлар ҳам фронтчилар эстафетасини шараф билан давом эттирмоқдалар.

12 июль куни В. И. Ленин номидаги билим юртида ўтган йиллари уни битириб чиққанлар, уруш ва меҳнат ветеранлари ўқув юртининг етмиш йиллик юбилейини ёшлар билан биргаликда нишонлаш учун тўпландилар. Туркистон ҳарбий округи қўшинлари собиқ қўмондони, армия генерали Н. Г. Ляшченко, ҳарбий кенгаш аъзоси — округ сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант А. И. Овчинников тўпланганларни қизғин табрикладилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин билим юртининг курсантлари ва ветеранларини самимий қутлади.

Билим юрти юбилейини байрам қилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев иштирок этди.

(ЎзТАГ).

## ЧЎЛҚУВАРЛАР ҒАЙРАТИ

Тоштемир Имомов бир неча йилдан бери Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли совхозда пахтачилик бригадасини бошқармоқда. Коллектив аъзолари бу йил 66 гектар майдонда Ф-108 нав ғўза ўстирмоқдалар.

— Беш йилликнинг учинчи йилида ҳар гектар ердан камида 30 центнердан оқ олтин етиштириш мажбуриятини олганмиз, — дейди бригада бошлиғи Т. Имомов. — Пайкалларда мўлжалдаги ҳосилни тўплаш, дала ишларини намунали бажариш мақсадида социалистик мусобақани тобора қизитаяпмиз.

**Я. РАСУЛОВ.**

## ЖУРНАЛИСТЛАР КОНКУРСИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

СССР Журналистлар союзи правлениесининг секретариати газета ва журналларда, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда чорва қишловининг боришини энг яхши ёритганлик учун Бутуниттифоқ конкурсини якунлади.

СССР Журналистлар союзининг фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари билан тақдирланганлар орасида Ўзбекистон ССРнинг «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси редакцияси коллективи ҳам бор.

«Совет Ўзбекистони» газетаси эса СССР Журналистлар союзининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

(ТАСС).

## АВСТРАЛИЯЛИК МЕҲМОН БИЛАН УЧРАШУВ

Неча минг километрлаб йўл босиб Москвага келган меҳмон асосан савол берар ва жавобларни эътибор билан тинглар эди. Уни қайта қуриш қандай бораётганлиги ҳам, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг якунлари ҳам, ошкораликнинг ривожланиши ҳам, Совет—Австралия муносабатларининг истиқболлари ҳам, бепоён Осиё—Тинч океан районидаги хавфсизликни таъминлаш ҳам қизиқтирар эди. Бошқа бир қанча саволлар каби мана шу саволларнинг ҳаммасига ҳам у зарур изоҳларни олди.

Кремлда А. А. Громиконинг Австралия федерал парламенти сенатининг раиси Керри Уолтер Сайбра билан суҳбати ана шундай ўтди.

Суҳбат бошида меҳмоннинг илтимосига биноан А. А. Громико Совет—Австралия парламент алоқаларининг ҳолати ва истиқболларини умумий тарзда таърифлаб берди. Бу алоқалар йўлга қўйилганидан у мамнуният изҳор этиб, мазкур алоқаларни анчагина сермазмун ва кенг тарзда давом эттириш кераклигини айтди.

**К. У. Сайбра.** Совет Иттифоқида ўтказилган партия конференциясидан кейин қайта қуриш сиёсати бундан буён ҳам турмушга татбиқ этилаверади, деб ҳисоблайсизми?

**А. А. Громико.** Ҳа, албатта. Бизнинг мамлакатимизда ва жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар жуда жиддий. Биз қайта қуриш йўлини ўтказишга қатъий қарор қилганмиз, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясидан кейин эса бу ишга янада зўр ғайрат билан киришдик. Бунда гап ҳам экономикада, ҳам социал соҳада, ҳам маданий турмушда, шунингдек ҳам фан ва техника соҳаларида ўзгаришлар қилиш ҳақида бормоқда.

Меҳмоннинг истагига мувофиқ, Совет Иттифоқи Япония билан муносабатларини ривожлантиришга қандай интилаётганлиги ҳақида унга гапириб берилди. Бу муносабатларнинг ҳолати совет томони истаган даражадан пастроқ. Японияда вазиятни сергак баҳолайдиган ва иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришни хоҳлаётган кишилар оз эмас. Бироқ, афсуски, СССРга нисбатан асоссиз даъволар қилиб, Совет—Япония муносабатларини ривожлантиришга халақит беришга уринаётганлар ҳам бор.

А. А. Громико меҳмоннинг илтимосига кўра, Осиё—Тинч океан регионидаги вазиятга ҳамда ер куррасининг шу қисмида кескинликни юмшатиш ва барқарорликка эришиш йўлларига ҳам тўхталди. Бу ердаги ҳарбий кемалар камайтирилиб, шу бепоён райondaги давлатларнинг фаол ва бемалол ҳамкорлиги учун шароит яратилган тақдирда бундай аҳволга эришиш мумкин бўлур эди.

М. С. Горбачевнинг Владивостокдаги маълум нутқида Осиё—Тинч океан хавфсизлигини вужудга келтиришга оид таклифлар баён этилган. Бу таклифларни рўёбга чиқариш қийин вазифа бўлса ҳам, аммо иноқлик ва ғайрат билан ҳаракат қилинган тадқирда уларни бемалол ҳал этиш мумкин, албатта.

К. У. Сайбра айни Австралия Тинч океаннинг жанубий қисмини ядросиз зонага айлантириш тўғрисида шартнома тузиш ташаббусини кўтариб чиққанини эслатиб ўтди.

Бунга жавобан А. А. Громико бу эзгу ташаббусни Совет Иттифоқи бажонидил қўллаб-қувватлаганини айтди. Австралия раҳбарлари—Бош министр Р. Хоук билан ташқи ишлар ва ташқи савдо министри У. Хэйденнинг Тинч океан муаммолари хусусида яқинда берган баёнотига Москвада эътибор билан қаралди. Бизнинг фикримизча, бу баёнот совет ташаббусларига мос бўлиб тушади.

Суҳбатдошлар бир қанча регионал муаммоларни, шу жумладан Кампучия теварагидаги ва Африка жанубидаги вазиятни ҳам муҳокама қилдилар. Кампучия Халқ Республикасининг ҳукумати эълон қилган миллий яраш сиёсати, Вьетнамнинг 50 минг ҳарбий хизматчиси шу мамлакатдан олиб кетила бошлаганлиги—мана шу тадбирларнинг ҳаммаси аҳволни соғломлаштиришга қаратилган. Совет томони бу тадбирларнинг муҳим аҳамиятини таъкидлади.

Совет Иттифоқи билан Австралиянинг ЖАР режими хусусидаги позициялари кўп жиҳатдан ўхшашдир. Иккала мамлакат апартеид системасини қоралаб чиқмоқда. Австралиялик меҳмоннинг айтишича, унинг мамлакати Ангола билан дипломатия муносабатлари ўрнатган, мустақил Мозамбикка ёрдам бермоқда, ЖАР билан авиация алоқаларига нисбатан жазо чоралари қўлланди, у билан иқтисодий ҳамкорликни кўп соҳаларда тўхтатиб қўйди.

Совет—Австралия алоқаларига оид муаммоларни муҳокама қилиш чоғида А. А. Громико Совет Иттифоқининг шу алоқаларни ривожлантириш соҳасидаги конкрет қадамларини эслатди. Бир қанча министрлик ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида экономика, маданият, ахборот, фан ва спорт соҳаларида давом этаётган мулоқотлар ҳозирнинг ўзидаёқ икки томонлама ҳамкорликнинг зарур тўқимасини вужудга келтирмоқда. Бу эса ўз навбатида икки мамлакат ўртасида ишончни ҳам, ҳамжиҳатликни ҳам мустаҳкамлашга кўмаклашади, социал системалардаги тафовутларга қарамай, аҳиллик соҳаларини, тинчликни мустаҳкамлаш масалаларидаги ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат йўлларини излашга бизга ёрдам беради.

Пировардида А. А. Громико ядро қуролини тақиқлаш ва қуролсизланиш масалаларининг аҳамиятини таъкидлади. Оқибат натижада ядросиз дунёни барпо этиш совет сиёсатининг мақсадидир. Олий даражада Москвада ўтказилган Совет—Америка учрашувининг якунлари ҳамда СССР билан АҚШ ўртасида ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида Шартнома имзоланганлиги ядровий қуролсизланиш сари принципиал бурилиш рўй беришига умид бахш этди ва, шубҳасиз, ҳозирги замоннинг бошқа туб масалаларини ҳал этишга кўмаклашади.

К. У. Сайбра ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида имзоланган Шартномани ядросиз дунё сари қўйилган биринчи қадам, деб табриклади ва Осиё—Тинч океан регионида регионал хавфсизлик системасини вужудга келтиришда Совет Иттифоқи ўйнайдиган роль ортиб бораверади, деб умид билдирди.

А. А. Громико Австралия парламентига ва халқига энг яхши тилаклар билдирди, Совет—Австралия муносабатларида эришилган ижобий силжишлар барча поғоналарда бундан буёнги алоқалар давомида кўпайтирилаверади, деб умид изҳор этди.

Суҳбат рўй-ростлик ва дўстлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

